



## Судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда иштирок этувчи шахслар ва ишни судда кўзгатишнинг процессуал хусусиятлари

Мирсагатов Кахрамон Хайдарович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Аннотация:** ушбу илмий мақолада судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоларда тарафлар, яъни даъвогар - ходим ва жавобгар - иш берувчи суд процесси асосида мақолада шулар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ишга тиклаш, меҳнатга оид муносабат, арз қилувчи, жисмоний ва юридик шахслар. Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда иштирок этувчи шахслар сифатида тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор, ишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатла-рини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, таш-килотлар ва айрим фуқароларни кўрсатиш мумкин (ФПКнинг 39-моддаси). Ишда иштирок этувчи шахслар ичида алоҳида мақомга эга бўлган тарафларнинг, яъни давогар ва жавобгарнинг процессуал ҳолатини тўғри аниқлаб олиш ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судларда тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади. Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларда тарафлар - меҳнат шартномасининг томонлари ҳисобланиши унинг хос жиҳатидир. Ушбу ишларда мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар иштирок этмайди, мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг иштироки чекланган.<sup>1</sup> Бироқ “меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари” ва “меҳнатга оид низоли ишларда тараф-лар” тушунчасининг бир-бирига мувофиқлиги ёки улар ўртасида қандай аниқ бир чегара мавжуд бўлиши юзасидан турли баҳслар мавжуд. Л.У.Раҳимқулова меҳнат

<sup>1</sup> Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел / Под. ред: М.К.Треушников. -М.: МГУ, 1987. -203 с.



муносабатларининг субъекти тушунчаси анча кенг маънони қамраб олади ва “тарафлар” термини кўпроқ фуқаролик процессуал қонунчилиги доирасида фойдаланилади деса,<sup>2</sup> А.А.Иноятлов меҳнат низоларининг субъектлари атамасидан кенг фойдаланган.<sup>3</sup> Тўғри, моддий ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларини “субъект” сифатида номлаш қабул қилинган. ФПКнинг 33-моддаси иккинчи қисмига кўра, ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади. Бу эса ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича даъвогар жавобгар иш берувчининг давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилишини аниқлатади. Шу ўринда агар ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ ташкилотнинг ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси томонидан чиқарилган бўлса, ходим қайси судга мурожаат қилиш керак: иш берувчининг давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судгами ёки ташкилотнинг ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси жойлашган ердаги судгами, деган ҳақли савол туғилади. Шу ўринда қайси суд жойлашган ердаги судга мурожаат қилишнинг аниқ белгилаб олиниши ишга жавобгар сифатида жалб этиладиган жавобгарни тўғри аниқлаб олиш учун ҳам муҳим. Зеро, ФПКнинг 195-моддаси биринчи қисми 3-бандига кўра, иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни даъвогар қайтаради. Мазкур ҳолатда ташкилотнинг ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси томонидан ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқнинг чиқарилиши унинг фуқаролик процессида тараф бўлиши учун етарли бўлмайди. Бу ҳолат айрим ҳолатларда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларнинг кўрилишида ишга дахлдор бўлмаган жавобгарнинг жалб этилишига сабаб бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарнинг иштирокисиз низони ҳал қилишлик охир-оқибатда суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади.

<sup>2</sup> Раҳимкулова Л.У. Яққа меҳнат низоларини кўриб ҳал этиш тартиби // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, 2021. – 39 бет.

<sup>3</sup> Иноятлов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи // Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. -Тошкент. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти. 2002. -351 б.



Маълумки, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъекти бўлиш-нинг муҳим талабларидан бири уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши ҳисобланади. ФПКнинг 41-моддасида фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқатига доир норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.<sup>4</sup>

Фуқаролик процессуал муомала лаёқатининг вужудга келиш вақти жисмоний ва юридик шахслар учун турлича бўлади. Юридик шахслар учун ҳуқуқ ва муомала лаёқати бир вақтда вужудга келади ва унинг давлат рўйхатидан ўтган пайтига тўғри келади (ФКнинг 41, 44-моддалари). Фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Ҳ.Р.Раҳмонкуловнинг таъкидлашича, фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлиш фуқарога субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратади, фуқаро томонидан маълум хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигидан дарак беради.<sup>5</sup>

ФПКнинг 42-моддасида эса фуқаролик процессуал муомала лаёқатига оид нормалар назарда тутилган бўлиб, унга кўра, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир. Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs>

<sup>5</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Монография. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -24 б.



Бирок процессуал қонунчилик меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабат-лардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар ҳам судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканликларини назарда тутлади. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганларни ёки ҳомийларни жалб қилиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганларга судда ўзларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилиб, процессда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Бирок ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинадиган ишларда ушбу шахслар деярли иштирок этмайди. Бу ўз навбатида процессда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар иштирок этаётганлиги ҳамда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суднинг вояга етмаганларни процессга албатта жалб этиши шартлиги ҳақидаги норманинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Зеро, вояга етмаганлар процессда уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бошқа шахслар томонидан ҳимоя қилинаётган бўлса-да, ишда даъвогар ёки жавобгар ҳисобланадилар ва албатта ишда иштирок этиш учун суд томонидан жалб этилиши талаб этилиши лозим.



Ўрганилган аксарият хорижий давлатлар ФПКда вояга етмаган шахслар суд процессига албатта жалб этилиши шартлиги ҳақида нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Россия ФПКнинг 37-моддаси,<sup>6</sup> Беларусь ФПКнинг 59-моддаси,<sup>7</sup> Украина ФПКнинг 29-моддаси,<sup>8</sup> Қозоғистон ФПКнинг 45-моддаси<sup>9</sup> шулар жумласидандир. Арманистон ФПКнинг 2-моддаси 8-бандига кўра, вояга етмаганлар судда ўз манфаатларини мустақил ифодалашлари мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ишни судда кўриш жараёнида улар ўз манфаатларига дахлдор масалалар бўйича эшитилиши ҳуқуқига эга ҳисобланадилар.<sup>10</sup>

Бироқ О.Н.Здрок қонунда вояга етмаган шахсларнинг суд процессида иштирок этиши шартлиги ҳақидаги нормаларнинг белгиланиши айрим ҳолларда вояга етмаганларнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиши, шунинг учун ҳам уларни суд процессига жалб этиш суднинг ихтиёрига берилиши лозимлигини ёқлаб чиқади. Д.Ю.Ионова эса қонунчиликда судларга вояга етмаган шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб этмаслик ҳуқуқи белгилаб қўйилишини таклиф қилади.<sup>11</sup> Н.В.Летова бола судда ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқларини амалга ошириши учун процессдаги бошқа иштирокчилар билан тенг равишда процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши шарт, дейди.<sup>12</sup>

<sup>6</sup> Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный). Отв. ред. д.ю.н., проф. Г.А.Жилин. –М.: ТК Велби, 2005. -97 с.

<sup>7</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года. <https://www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=Hk9900238> // Национальный центр правовой информации Республики Беларусь, 2003-2021.

<sup>8</sup> Господарський процесуальний кодекс України // Відомості Верховної Ради України (ВВР), 1992, № 6, ст. 56. // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12#Text>.

<sup>9</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <http://online.zakon.kz>

<sup>10</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. Принят 09.02.2018. // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6196&lang=rus>

<sup>11</sup> Ионова Д.Ю. Гражданская процессуальная дееспособность: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -29 с.

<sup>12</sup> Летова Н.В. Особенности статуса несовершеннолетних в гражданском процессе // Труды Института государства и права Российской академии наук. № 4. 2011. – 205 с. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-statusa-nesovershennoletnih-v-grazhdanskom-protseste>



Бизнинг фикримизча, вояга етмаганларнинг процессда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бошқа шахслар томонидан ҳимоя қилина-ётган бўлса-да, улар ишда даъвогар ёки жавобгар ҳисобланадилар. Шундай экан, улар албатта ишда иштирок этиш учун суд томонидан жалб этилиши шарт. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини судларда тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд бундай ишларда шахсан иштирок этиш учун вояга етмаганларни ишда иштирок этиш учун жалб этиши шартлигини фуқаролик процессуал қонунчиликда белгилаш лозим. Зарур ҳолларда, суд мазкур шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб қилмасликка ҳақли бўлиши керак. Шундай экан, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда тўлақонли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, қолаверса МДҲга аъзо давлатлар қонунчилик амалиёти ва юридик адабиётларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз ФПКнинг 42-моддасини такомиллаштириш, мазкур модданинг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади: “Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томони-дан ҳимоя қилинади. Аммо қонунда назарда тутилган ҳолларда ишни судда кўриш жараёнида вояга етмаганлар, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаролар ўз манфаатларига дахлдор масалалар бўйича эшитилиши ҳуқуқига эга. Шундай экан, суд бундай ишларда шахсан иштирок этиш учун вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни ишда иштирок этиш учун жалб этиши шарт. Зарур ҳолларда, суд мазкур шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб қилмасликка ҳақли.” Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларда тарафлар, яъни даъвогар - ходим ва жавобгар - иш берувчи суд процесси иштирокчилари ичида марказий ўринни эгаллайди. Фуқаролик процессининг умумий қоидаларига мувофиқ исботлаш бурчи ҳам уларнинг ўзларининг зиммасида бўлади. Айтиб ўтиш керакки бир қарашда бу иштирок этувчи шахслар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ кўрилмаса-да, бироқ мазкур ҳолат низонинг якуни юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорида тарафнинг



хуқуқий ҳолатини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу қоида айниқса ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда ўзининг яққол ифодасини топади. Судда ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг кўрилишида иштирок этувчи шахслар ва уларнинг процессуал хуқуқий ҳолати масаласида ходимларнинг вакиллик органлирининг иштироки ва уларнинг хуқуқий ҳолати масаласига тўхталиб ўтиш лозим. Чунки айнан вакиллик органлари ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоялашнинг энг қулай ва тезкор механизмларидан фойдаланиш ваколатига эга. Қонунчиликда бундай талабнинг белгиланиши меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тез фурсатларда ҳимоялашни назарда тутаяди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу норма талаби қачонки судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормаларининг бошқа талабларига тўла риоя этганида юқоридаги вазифа амалга ошишига эришиш мумкин. Чунки ҳар қанча қонун нормасида ҳуқуқни муҳофазаловчи норма ўрнатилмасин, ишни кўриш вақтида моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаслиги келгусида низо субъектларининг ортиқча вақтини ва сарф-харажатини ортишига олиб келади. Жумладан, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани бундай розиликни олмай бекор қилишга йўл қўйилмаслиги МКда белгиланган бўлса-да, айрим ҳолларда бу қоидага риоя этмаслик келгусида тарафларнинг оворагарчилигига ва ортиқча сарсон бўлишига олиб келади. Масалан, Г.М жавобгар Институтга нисбатан ректорнинг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ва ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган. Қуйи судларнинг қарорлари билан даъвони қаноатлантириш рад қилинган. Аниқланишича, даъвогар 2007 йилдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида Институтда кафедра ўқитувчиси вазифасида ишлаб келган. Ректор буйруғи билан тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси 2018 йил 23 март куни амалдаги МК 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига асосан бекор қилинган. Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга МК 100-моддаси иккинчи қисми 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда Институт бирлашган



касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг йиғилиш қарори асос қилиб олинган. Даъвогар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризасида асос сифатида уни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилигидаги бир қатор нормаларга риоя қилин-маганлигини, институтнинг бирлашган касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаганлигини, унга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда хабардор қилинмаганлигини кўрсатган.

Қуйи судлар даъвони рад қилишда, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ қонуний равишда чиқарил-ганлигига асосланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низомнинг 9.2-бандида бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг ваколатларида, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масалани ҳал қилиши қайд этилган. Институт маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида 2017-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.4-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари институт бирлашган касаба уюшма қўмитаси Раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 “О”-сонли қарорида даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда бирлашган касаба уюшмаси раёсатининг розилиги олинганлиги ҳолати юзасидан жавобгар вакиллари юқорида номи қайд этилган Низомнинг 9.4-бандида Раёсат сайланган касаба уюшма қўмитаси ўзининг айрим ваколатларини, шу жумладан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ваколати ҳам Раёсатга берилганлигини, касаба уюшмасининг айнан қандай ваколатларни раёсатга





берганлиги Институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомасида кўрсатилган-лигини баён этган ва ушбу 2017 йил 3 апрелдаги баённомани тақдим этган. Ушбу баённомада жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал этиш касаба уюшмаси раёсатига берилганлиги кўрсатилган. Бироқ, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартнома-сини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олинishi қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги, ушбу ҳолатда касаба уюшмасининг қонунда назарда тутилган ваколатни касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид деган хулосага келган.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати томонидан бундай хулосага келишда, гарчанд, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2018 йил 23 мартдаги 71-ш-сонли буйруғи билан бекор қилинган ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 “О”-сонли қарори билан розилик берилган бўлса-да, ушбу қарор меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин, яъни 2018 йил 30 мартда институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиш қарори билан қайтадан тасдиқланган-лигини инобатга олган. Шунингдек, судлов ҳайъати касаба уюшмасининг йиғилиши ҳақида даъвогар тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги ҳақидаги хулосага келган. Ваҳоланки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарорига асосан, масаласи кўрилатган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиши учун етарли имконият яратилиши лозимлиги, ходимга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда (тилхат билан топшириш ёки почта орқали юбориш йўли билан) хабардор қилиниши шартлиги, ходим мажлисга узри сабабларга кўра иштирок этмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилиниши, мажлисни кейинга қолдириш қонунда кўрсатилган муддат доирасида белгиланиши ва мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда,



мажлис унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

МҚнинг 100-моддасига кўра, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт. Шунга кўра, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда бекор қилинган деб ҳисоблаб, 2019 йил 30 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.<sup>13</sup>

Ишга тиклашга оид низоларда вакиллик органларининг иштироки масаласи бир мунча мураккаб бўлиб, амалдаги МҚнинг 164-моддаси учинчи қисмига мувофиқ касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарор ҳақида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма такдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бизнингча ушбу қоидада қонун чиқарувчи томонидан муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмасликнинг узрли ёки узрсиз эканлиги масаласи очиқ қолдирилган.

Бироқ фикримизча ушбу янги механизмнинг ижобий ҳиҳатлари билан бирга келажакда ўзига хос муаммоларини ҳам вужудга келтириши мумкин. Яъни бошланғич касаба уюшма қўмитаси раҳбари касал бўлиб қолиши ёки сайланган касаба уюшма қўмиталаридан бир нечтаси бўлмаслиги сабабли квориумнинг йиғилмаслиги ёки корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раҳбарининг ўзаро

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти 6-1154-19-сонли иш. <http://sud.uz>.



келишуви билан тақдимнома касаба уюшма аъзоларига маълум қилинмаслиги каби ҳолатлар назарда тутилмаганлиги келгусида иш берувчи ва ходимларнинг манфаъатларига зарар етказиши мумкин.

Фикримизча, янги МКнинг 164-моддаси учинчи қисми қуйидаги мазмундаги қўшимча билан тўлдирилса, “Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодекста белгиланган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли, ***ушбу муддат узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган ҳолатлар бундан мустасно.***” келажакда асоссиз равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг вужудга келишини олди олинган бўлар эди.

Меҳнат қонунчилигининг ўз ривожланиш қонуниятларига, ўзига хос хусусиятига ва ҳуқуқни қўллаш мантиғига эгаки, бу кўпинча бошқа ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи талабларини тўғридан-тўғри фойдаланиш имконини истисно қилади. Масалан, Фуқаролик кодексининг “Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши” деб номланган 156-моддаси 1-қисми 6-бандига кўра, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилган даъво муддати тўхтатилади. Агар ушбу ҳолатлар даъво муддатининг охири олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.<sup>14</sup>

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Фуқаролик кодексида юқорида назарда тутилган асос билан даъво муддатини тўхатиш ходим судгача прокурор ёки меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспекторига мурожаат қилганда МК 560-моддасида назарда тутилган муддатга нисбатан татбиқ этилиши мумкинми?

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <https://lex.uz/docs/111189>



Юридик адабиётларда таъкидланишича, медиациядан фарқли равишда меҳнат низоларини ҳал этилишини сўраб прокурор ёки меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспекторига мурожаат қилиш низони ҳал қилиш тартиб-таомиллари билан тенглаштирилади. Зеро, прокурор ёки меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори меҳнат низосини ҳал қилиш ваколатига эга бўлмаса-да, бироқ ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши ва чекланишига нисбатан таъсир ўтказишга ваколатли бўлган шахслар саналади.<sup>15</sup> Қолаверса, назаримизда МКнинг 560-моддаси биринчи қисмида “Якка тартибдаги меҳнат низосининг кўриб чиқиши учун судга мурожаат қилишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:” деган жумла ишлатилган бўлиб, бу ўз навбатида бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш муддатлари сифатида талқин қилиниши мумкин.

Шундай экан, ишга тиклаш ҳақидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш бўйича судга мурожаат этиш муддатининг ўтиши ушбу меҳнат низосини медиация тартибида кўриб чиқиш даврида ҳамда прокуратура ёки меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори томонидан ўрганиш даврида тўхтатиб турилиши ҳақидаги нормани мамлакатимиз МКга киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Меҳнат қонунчилиги доктринасида билдирилган фикрга қўшилиш керакки, судга ва МНК га мурожаат қилиш – бу даъво муддатининг мустақил тури ҳисобланади ва МКнинг янги таҳририда ушбу муддатнинг юридик табиатини ва уни қўллаш тартибини назарда тутувчи нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел / Под. ред: М.К.Треушников. -М.: МГУ, 1987. -203 с.
2. Раҳимқулова Л.У. Якка меҳнат низоларини кўриб ҳал этиш тартиби // юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, 2021. – 39 бет.

<sup>15</sup> Пресняков М.В. Сроки исковой давности в трудовом праве: о словах и терминах // Журнал российского права. № 3. 2018, - 56 с.



3. Иноятлов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи // Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. -Тошкент. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти. 2002. -351 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs>
5. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Монография. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -24 б.
6. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный). Отв. ред. д.ю.н., проф. Г.А.Жилин. –М.: ТК Велби, 2005. -97 с.
7. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года. <https://www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=Hk9900238>// Национальный центр правовой информации Республики Беларусь, 2003-2021.
8. Господарський процесуальний кодекс України // Відомості Верховної Ради України (ВВР), 1992, № 6, ст. 56. // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12#Text>.
9. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан. <http://online.zakon.kz>
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. Принят 09.02.2018. // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6196&lang=rus>
11. Ионова Д.Ю. Гражданская процессуальная дееспособность: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. -29 с.
12. Летова Н.В. Особенности статуса несовершеннолетних в гражданском процессе // Труды Института государства и права Российской академии наук. № 4. 2011. – 205с. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-statusa-nesovershennoletnih-v-grazhdanskom-protseesse>
13. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти 6-1154-19-сонли иш. <http://sud.uz>.
14. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <https://lex.uz/docs/111189>
15. Пресняков М.В. Сроки исковой давности в трудовом праве: о словах и терминах // Журнал российского права. № 3. 2018, - 56 с.